

**Ассалому алайкум ҳурматли юртдошлар! “Ўзагроинспекция”
томонидан ташкил этилган навбатдаги брифингда Инспекциянинг
Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида амалга оширган фаолияти
хусусида сўз боради.**

2022 йилнинг ўтган 5 оyi давомида Инспекция томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

5400 тага яқин янги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари давлат рўйхатига олинди;

Ушбу техникаларга **4 минг 100 тадан** ортиқ техник паспорт ва давлат рақам белгиси ҳамда **1 минг 300 тага** яқин техник гувоҳнома расмийлаштириб берилди;

Идоралараро электрон маълумотлар айланишини таъминлаш мақсадида, республикадаги давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларининг ягона ахборот тизими билан қуйидаги ахборот тизимлари:

- Давлат солиқ инспекцияси;
- “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” нинг “E-auksion” электрон савдо платформаси;
- Қурилиш вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимлари билан **интеграция қилинди**.

Шунингдек,

- Адлия вазирлигининг “Нотариус” ахбороти тизими;
- Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги “Онлайн маҳалла” ахборот тизимлари билан **интеграция қилиш ишлари якунига етказилмоқда**.

Натижада, маълумотлар реал вақт режимида инсон фактори аралашмаган ҳолда ахборот алмашилиши йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник кўрикдан ўтказишда **Янги мобил хизмати** яъни техника эгаларининг мурожаатлари асосида, техникани турган жойига чиққан ҳолда, замонавий техник кўрик жиҳозлари ёрдамида **техник кўрикдан ўтказиш хизмати йўлга қўйилди**.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари мулк эгаларига техник кўрик муддати келганлигини хабардор этиш мақсадида **“СМС хабарнома” дастури** ишга туширилди.

Буларнинг натижасида **98 мингдан** ортиқ қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари техник кўриқдан ўтказилди.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратиш мақсадида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни **электрон тўлов тизимлари** орқали амалга ошириш имконияти яратилди.

Шунингдек, тракторчи-машинистларни тайёрлаш соҳасида **шаффофликни таъминлаш** ҳамда **рақамли технологияларни** қўллаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи **тракторчи-машинист гувоҳномаси бериш ахборот тизим** ишлаб чиқилиб, ишга туширилди.

Ушбу дастурда:

1. Тракторчи-машинистлар тайёрлайдиган ўқув муассасаларида ўқиётган талабаларнинг электрон рўйхати ҳамда ўқиш якуни бўйича уларнинг натижаларини **онлайн юритиш**;
2. инспекция томонидан ўтказиладиган назарий имтихонларни инсон фактори аралашмаган ҳолда **электрон тарзда олиш**;
3. назарий ва амалий имтихонлардан мувофақиятли ўтган фуқароларга янги намунадаги пластик шаклдаги тракторчи-машинист **гувоҳномаси бериш**;
4. республика бўйича тракторчи-машинист гувоҳномаси олганларнинг электрон базасини шакллантириш **имкониятлари яратилади**.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида **13 мингга** яқин фуқароларга янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси расмийлаштириб берилди.

Шунингдек, республика бўйича **218 та** тракторчи-машинистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маассасаларида ўқиётган **7650 та** фуқаролар электрон рўйхатга олиниб, уларнинг ўқув жараёни электрон кузатиб борилмоқда.

Умуман олганда, соҳани рақамлаштириш орқали жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни янги даражага олиб чиқиш бўйича ишлар юқори суръатда давом эттирилмоқда.

Х. Шадиева,

“Ўзагроинспекция” Ахборот хизмати раҳбари. 71) 202-12-08